

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 29 март, № 62 (8405) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## БАНКЛАР КАПИТАЛИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 28 март куни «Асакабанк» ва «Ўзсаноатқурилишбанк» капиталига хорижий инвестициялар жалб этиш бўйича тақдимот билан танишди.**

Иқтисодиёт ўсишида банк тизимининг аҳамияти катта. Юртимизда бу соҳадаги ислоҳотлар натижасида охирги уч йилда, банкларнинг умумий кредитлари ҳажми 2 баравар, капитал ҳажми 1,6 бараварга ошган.

Банкларимиз илк бор нуфузли халқаро кредит рейтингларига эга бўлиб, халқаро капитал бозорларида evrobondlar жойлаштирди. Хусусий банклар ҳам кўпайди.

Шунингдек, Венгрия, Қозоғистон, Грузия, Туркиянинг нуфузли банклари Ўзбекистонга кириб келди. «Ипотека-банк» ислоҳ қилингани натижасида унинг капиталига стратегик хорижий инвестор сармоя киритди.

Бу ишларни давом эттириб, «Асакабанк» ва «Ўзсаноатқурилишбанк»га ҳам хорижий инвестициялар жалб этиш режалаштирилган. Шу мақсадда халқаро молия институтлари билан биргаликда бу банкларга 30 нафар малакали халқаро мутахассис олиб келинди.

2023 йил давомида «Ўзсаноатқурилишбанк» капиталига 125 миллион доллар, «Асакабанк»га 100 миллион доллар маблағ жалб қилиниши кўзда тутилмоқда. Банкларнинг операцион фаолиятида замонавий дастурий IT маҳсулотлар ва 100 дан зиёд янги банк хизмат турлари жорий этилади.

Амалга ошириладиган ишлар натижасида 2027 йил натижалари бўйича «Ўзсаноатқурилишбанк» даромади 1,61 баравар, кредит портфели 1,74 бараварга ошиши кўзда тутилади. «Асакабанк»да депозитлар 1,71 баравар, банк активларининг ҳажми эса 1,72. Энг муҳими, бу ва бошқа Ўзбекистон банкларига халқаро молия бозорларида ишонч ва уларнинг фаолиятида қатнашиш учун хорижий инвестор ҳамда ҳамкорларнинг қизиқиши ортади.

Тақдимотда мазкур жараёнга халқаро консультантларни таклиф этиш, уларнинг капиталини ошириш ва қўшимча инвестициялар жалб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг даромадларини ошириб бориш мақсадида:

1. **2023 йил 1 апрелдан** бошлаб пенсиялар ва нафақалар миқдори **7 фоизга** оширилсин.

2. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — ойига **347 000** сўм;

ёшга доир энг кам пенсия миқдори — ойига **677 000** сўм;

ногиронлик пенсиялари, жумладан, иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори — ойига **747 000** сўм;

меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори — ойига **747 000** сўм;

1941 — 1945 йиллардаги уруш оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда — ойига **3 296 000** сўм;

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (677 000 сўмдан) 747 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари миқдори — ойига **747 000** сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори — ойига **535 000** сўм;

иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — ойига **535 000** сўм;

ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бериладиган нафақа миқдори — ойига **535 000** сўм;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори — ойига **535 000** сўм этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун — **198 000** сўмдан қўшилсин;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори — ойига **535 000** сўм этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин.

3. **2023 йил 1 майдан** бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори **7 фоизга** оширилсин.

4. 2023 йил 1 майдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — ойига **980 000** сўм;

базавий ҳисоблаш миқдори — ойига **330 000** сўм этиб белгилансин.

5. Белгилансинки:

бюджет ташкилотлари ходимларининг **иш ҳақларини ошириш билан боғлиқ харажатлар** — Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини, шунингдек, айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошириш билан боғлиқ харажатлар учун ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан;

**пенсиялар ва нафақалар миқдорларини ошириш билан боғлиқ харажатлар** — Давлат бюджети ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Мазкур Фармон талабларини бажариш учун талаб этиладиган қўшимча маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети харажатларини ошириш ҳисобига молиялаштирилсин.

Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д.Кудбиев белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 28 март

## МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИ МУНОСАБАТИ БИЛАН САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

*Жамиятда инсонпарварлик, бағрикенглик, эзгулик, меҳр-оқибат ғоялари ва қадриятларини қарор топтирувчи муқаддас Рамазон ойи кириб келгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукуматлари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат ва дин арбобларидан қутловлар келмоқда.*

*Табрикномаларда хорижий ҳамкорлар мамлакатимиз етакчиси ва кўп миллатли Ўзбекистон халқига ўзининг чуқур ҳурмат-эҳтиромини билдириб, тинчлик-осойишталик, тараққиёт ва равнақ йўлида янги муваффақиятлар тилаган.*

*Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:*

Саудия Арабистони Подшоҳи
**Салмон Бин Абдулазиз Ол Сауд**;

Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Кенгаши Раиси
**Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**;

Туркия Республикаси Президенти
**Режеп Таййип Эрдоған**;

Миср Араб Республикаси Президенти
**Абдулфаттоҳ Ас-Сиси**;

Эрон Ислом Республикаси Президенти **Иброҳим Раисий**;

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти
**Муҳаммад Бин Зоид Ол Наҳаён**;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти,
Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими
**Муҳаммад Бин Рошид Ол Мактум**;

Қатар Давлати Амири **Тамим Бин Ҳамад Ол Таний**;

Қатар Давлати Амирининг ўринбосари
**Абдуллоҳ бин Ҳамад Ол Таний**;

Иордания Подшоҳи **Абдулла II**;

Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**;

Ислом ҳамкорлик ташкилоти бош котиби
**Ҳусайн Иброҳим Тоҳа**;

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби
**Кубаничбек Омуралиев**;

Кавказ мусулмонлари идораси раиси, шайхулислом
**Оллоҳшукур Пошшозода**.

*Қутловлар келишда давом этмоқда.*

## Марказий сайлов комиссиясида

## БЮРОНИНГ РЕФЕРЕНДУМНИ КУЗАТИШ МИССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

*Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХҲТ ДИИҲБ)нинг референдумни кузатиш бўйича чекланган миссияси Тошкентда ўз ишини бошлади.*

Чекланган миссия таркибига элчи Альберт Йонссон (Исландия) ва унинг ўринбосари Лусине Бадалян (Арманистон) раҳбарлик қилмоқда.

Миссия таркиби 10 нафар экспертдан, жумладан, сиёсий, ҳуқуқий, медиа ҳамда сайлов соҳасидаги таҳлилчилар, узоқ муддатли кузатувчилар координатори, ДИИҲБ идораси ходимлари ва маслаҳатчиларидан иборат.

Кеча Марказий сайлов комиссияси (МСК)да ЕХҲТ ДИИҲБ миссияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Элчи Альберт Йонссон таъкидлаганидек, ДИИҲБнинг чекланган миссияси Ўзбекистон МСКнинг таклифини бўлажак референдумда максимал даражада очиқлик ва демократияни таъминлаш истаги сифатида баҳолайди. Асосий гуруҳ экспертларидан ташқари миссия таркибига 14 нафар узоқ муддатли кузатувчилар ҳам қўшилади.

Овоз бериш кунидан сўнг миссия референдумгача бўлган давр ва референдумдан кейинги фактларни кўрсатувчи дастлабки баёнотини тақдим этади.

Шундан сўнг референдумни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги амалиёт ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар, тавсияларни ўз ичига олган якуний ҳисобот тайёрланади.

Учрашув чоғида Марказий сайлов комиссияси раиси З. Низомхўжаев референдум жараёнлари халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштирилганлиги, МСК томонидан тасдиқланган календарь режа ва миллий қонунчилик асосида референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тизимли равишда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берди.

Томонлар Марказий сайлов комиссияси ва ЕХҲТ ДИИҲБ ўртасида самарали ҳамкорликни давом эттириш бўйича фикр алмашдилар.

**«Халқ сўзи».**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги **“Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПФ–14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Давлат активларини бошқариш агентлиги **фаолиятининг устувор йўналишлари** 1-иловага мувофиқ;

Давлат активларини бошқариш агентлиги тизими **ташкилотларини қайта ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси** 2-иловага мувофиқ;

Давлат активларини бошқариш агентлигининг **ташкилий тузилмаси** 3-иловага мувофиқ;

Давлат активларини бошқариш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини **трансформация қилиш** бўйича **“Йўл харитаси”** 4-иловага мувофиқ;

**“Давлат мулки” ахборот тизимига интеграция қилинадиган вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари** рўйхати 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ИҚТИСОДИЁТДА ДАВЛАТ ИШТИРОКИНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, давлат активларини хусусийлаштириш орқали хусусий мулкчиликни кенгайтириш, самарасиз ишлаётган ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш юзасидан тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, охирги уч йилда устав фондида давлат улуши мавжуд **300 га яқин** хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) ва **1 600 дан** ортиқ кўчмас мулк объектлари хусусийлаштирилди, **650 дан** ортиқ корхоналар тугатилди ва **160 таси** қайта ташкил этилди.

Хусусий сектор муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ва рақобат ривожланган соҳаларда давлат иштирокини янада қисқартириш мақсадида:

1. Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда — Давактив агентлиги) томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар, давлат иштирокидаги корхоналар билан биргаликда **30 мингдан** ортиқ давлат муассасалари, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг тизим корхоналари ҳамда кўчмас мулк объектлари **таҳлил қилиниб, уларни қисқартириш** бўйича таклиф ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**(Давоми 2-бетда).**

## АСОСИЙ МАВЗУ — БОШ ҚОМУСИМИЗГА КИРИТИЛАЁТГАН НОРМАЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*Шу кунларда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бир қатор ҳудудларда бўлиб, аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Мазкур мулоқотларда янгиланаётган Конституциямиз, унинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти хусусида сўз юритилаётир.*

### Мулоқот

Шундай учрашувлардан бири Чилонзор тумани ҳокимлигида Чилонзор, Мирзо Улуғбек, Миробод, Юнусобод туманлари маҳаллалари хотин-қизлари иштирокида бўлиб ўтди. Мулоқотда юртимизда охирги йилларда амалга оширилган кенг кўламли ишлар, хусусан, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, таълим олишлари, касб-ҳунар ўрганишлари учун шарт-шароит яратиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш борасида бажарилган ишларга тўхталиб ўтилди. Бу жараёнлар янги таҳрирда тайёрланган Конституция билан янада мустаҳкамланиши қайд этилди.

Сенат Раиси Янгиҳаёт туманидаги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузурида янги ташкил этилган ўқув маркази фаолияти билан танишди ва тингловчилар билан учрашув ўтказди.

2

### Депутатлар — ҳудудларда

## ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИККА ТУШУНТИРИЛДИ

*Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда бўлиб, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтирмоқда.*

Шу йилнинг 24-25 март кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов бошчилигидаги бир гуруҳ депутатлар Қашқадарё вилоятида бўлишди.

Қарши ҳамда Шаҳрисабз шаҳарларида маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ўтказилган тадбирларда Конституциямизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтилди.

Тадбирларда депутатлар, фаоллар, ёшлар вакиллари янгиланган Конституциямизнинг референдум орқали қабул қилиниши қанчалик аҳамиятли эканлиги, умумхалқ муҳокамаси ҳар томонлама мукаммал ташкил этилганлиги, парламент палаталари йиғилишларида Конституциявий қонун очиқ ва ошкора муҳокамалардан ўтказилганлигини алоҳида таъкидладилар.

Ғузор туманидаги Даштобод маҳалласида ўтказилган учрашувда маҳалла вакиллари охирги йилларда мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини ошириш, хусусан, улар бандлигини, муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз ижобий натижасини кўрсатаётганини таъкидладилар.

3

## ТАФАККУРНИНГ ҚУДРАТЛИ ИЛДИЗЛАРИ



### Ўзбекистон – илм-маърифат ўчоғи, зиё маркази бўлган қутлуғ замин

*Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ватанимиз қадимдан жаҳон цивилизацияси маркази, маърифат ўчоғи бўлиб дунё илм-фани ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келган. Юртимизда вояга етган улуғ алломалар ўзларининг бебаҳо асарлари, ибратли фаолияти билан икки буюк Уйғонишга замин яратди.*

### Мутолаа

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича иккинчи бутунжаҳон конференцияси очилиш маросимидаги нутқида бу ҳақда тўхталиб, жумладан, шундай деган эди: **“Диёримиздан етишиб чиққан атоқли алломалар, алгебра фани ва алгоритм тушунчасига асос солган Ал-Хоразмий, минералогия фанининг тамал тошини қўйган Ал-Беруний, дунёда Авиценна номи билан танилган машҳур тиббиёт олими Ибн Сино, бир минг ўн саккизта юлдузнинг координатларини ва ҳаракатини аниқ белгилаб берган буюк астроном Мирзо Улуғбек, Нил дарёсининг сатҳини ўлчовчи ноёб ускуна яратган аллома Аҳмад Фарғоний каби улуғ аждодларимиз ўзларининг бебаҳо асарлари, илмий ва ижодий кашфиётлари билан Ўрта асрлардаги биринчи ва иккинчи Шарқ ренессанси ривожига улкан ҳисса қўшганлар”**.*

4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. **2023 йил 1 майдан бошлаб давлат мулки ҳисобини юритиш**, унинг тўлиқлиги ва тўғрилигини таъминлашнинг қуйидаги **тартиби жорий қилинсин**:

республика мулки бўлган **давлат кўчмас мулклари ва давлат акция пакетлари (улушлари) Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилади**, бундан Стратегик ислоҳотлар агентлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тегишли улушлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

давлат муассасалари ва давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, шунингдек, давлат улушининг вужудга келиши ва миқдорининг ўзгариши билан боғлиқ таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш **Давактив агентлигининг тегишли буйруғи мавжуд бўлганда амалга оширилади**;

давлат кўчмас мулк объекти ва бўш ер участкалари негизида амалга ошириладиган **давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар** давлат шериги томонидан тегишли битим тузилгандан сўнг ўн кун муддатда **"Давлат мулки" ахборот тизимига киритилади**;

**вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кўчмас мулки** негизида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва уларни **бегоналаштириш** ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар ва улар тизимидаги корхоналарга **учинчи шахслар томонидан инвестиция киритишга оид келишувлари** (битим, шартнома, меморандумлар) **бўйича мажбурий тартибда Давлат активларини бошқариш агентлигининг хулосаси олинади**.

3. Белгилансинки, **2023 йил 1 июлдан бошлаб** давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий **корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш**, уларнинг фаолият **самарадорлигини ошириш** ва **дивиденд сиёсатини такомиллаштириш** мақсадида:

давлат иштирокидаги корхоналарнинг **раҳбари ва унинг ўринбосарларини тайинлаш (сайлаш) танлов асосида амалга оширилади**, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган маълумот **"Давлат мулки" ахборот тизимига ўз вақтида тақдим этилмаганда уларнинг ижроия органи раҳбарлари рағбатлантирилишига йўл қўйилмайди**;

давлат улуши бўйича дивиденд миқдори корхонанинг инвестиция лойиҳалари, бизнес-режа кўрсаткичлари ва молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда **давлат иштирокидаги корхоналарнинг давлат улуши бўйича сайланган кузатув кенгаши аъзолари томонидан Давлат активларини бошқариш агентлиги билан келишилган ҳолда акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишига тавсия этилади**.

4. **2023 йил 1 июлдан бошлаб** давлат органлари ва муассасалари, давлат иштирокидаги корхоналар маъмурий биноларидан ходимлар учун белгиланган меъёрдан келиб чиқиб, **самарали фойдаланиш тартиби** жорий этилсин.

Бунда давлат органлари ва муассасалари, давлат иштирокидаги корхоналарнинг маъмурий биноларида тижорат ташкилотларини **"ноль" ставкада ёки тўғридан-тўғри жойлаштиришга йўл қўйилмайди**, мазкур биноларнинг бўш майдонлари **ижарага бериш учун электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилади** ва ижара шартномалари солиқ органларининг **"E-ijara" электрон тизимида рўйхатдан ўтказилади**.

5. Давлат активлари, уларни бошқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида **жамоатчиликни хабардор қилишнинг қуйидаги янги тизими жорий қилинсин**:

давлат кўчмас мулк объектлари, давлат улуши, давлат унитар корхоналари ва давлат муассасалари ҳамда уларга тегишли автотранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар **Давлат активларини бошқариш агентлигининг расмий веб-сайтида реал вақт режимида эълон қилинади**, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодиётдаги ўрни ва улуши, молиявий натижалари, бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши ва бошқа муҳим ахборотларни ўз ичига олувчи **давлат иштирокидаги корхоналарнинг йиғма ҳисоботи ҳар йили 1 августга қадар Давлат активларини бошқариш агентлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади**;

**2023 йил 1 октябргача "Давлат мулки объектлари билан савдоларни ўтказиш тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш портали"** яратилади, унда барча давлат мулки объектларини савдога чиқариш ва унинг натижалари тўғрисидаги ахборотлар жойлаштирилади ҳамда ушбу тизим солиқ органларининг ахборот тизимига интеграция қилинади.

6. Белгилансинки, "E-auksion" электрон савдо платформасида:

хусусий мулкдорлар буюртмасига асосан уларнинг мулкларини соддалаштирилган тартиб ва муддатларда сотиш бўйича **савдолар ўтказилади**;

**2023 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат иштирокидаги корхоналарнинг бўш пул маблағларини депозитга жойлаштириш бўйича** тижорат банклари ўртасида фоиз ошиб бориш тарзида банк капитали етарлилиги, банк капиталининг унинг мажбуриятларига нисбати, ликвидлилик коэффициенти каби шартларни назарда тутган ҳолда **аукцион савдолари ўтказилади**.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 24 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ИҚТИСОДИЁТДА ДАВЛАТ ИШТИРОКИНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қуйидагилар:

**оммавий савдолар орқали тўлиқлигича сотиладиган 1 001 та корхонанинг** акция пакетлари (улушлари) рўйхати 1-иловага мувофиқ;

акция пакетлари **"битта акция — битта лот"** тамойили асосида **халқ IPОсини ўтказиш тартибида** оммавий савдолар орқали сотиладиган **40 та корхоналар** рўйхати 1а-иловага мувофиқ;

оммавий савдолар орқали сотиладиган **1 046 та давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўчмас мулк объектлари** рўйхати 2-иловага мувофиқ;

**муниципал мулк объектларини белгилаш мезонлари** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, мазкур қарорга 1а-иловадаги давлат акция пакетларини сотиш доирасида:

энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида **профессионал ташкилотлар** савдо жараёнларини ташкил этиш учун жалб этилиши мумкин;

маҳаллий инвесторларга **"E-auksion" электрон савдо платформаси, шу жумладан, мобиль иловаси орқали реал вақт режимида** уларни идентификация қилиш, инвестиция воситачилари билан шартнома тузиш ва депо ҳисобрақамини очиш имконияти яратилади;

акцияларни сотиб олишда "E-auksion" электрон савдо платформасида барча инвестиция воситачилари ва уларнинг мижозлари иштирок этиши учун **тенг шароитлар яратилади**;

акцияларни сотиб олиш учун электрон аризалар маҳаллий инвесторнинг ўзи томонидан ёки инвесторлар номидан ҳаракат қилувчи инвестиция воситачиси орқали берилиши мумкин;

онлайн аукционлар якунларига кўра олди-сотди шартномалари қимматли қоғозлар савдолари ташкилотчиларининг савдо майдончаларидан ташқарида рўйхатдан ўтказилади ва унинг натижаси тўғрисидаги **маълумот инвесторнинг шахсий кабинетига юборилади**.

3. Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси **Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси** деб қайта номлансин ҳамда унинг янгиланган таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси (А.Арипов):

**икки ҳафта муддатда** мазкур қарорга 1-, 1а- ва 2-иловалардаги активларни **2023 йилда савдога чиқариш графикларини** тасдиқласин;

активларни савдога чиқаришда, зарурат бўлганда уларнинг амалдаги фаолият йўналишини сақлаб қолиш ёки негизида маълум бир йўналишдаги фаолиятни ташкил этиш каби шартларнинг белгиланишини инобатга олсин;

**бир ой муддатда** 1а-иловада белгиланган корхоналарнинг акцияларини халқ IPОсини ўтказиш асосида сотиш тартибини тасдиқласин.

4. Давактив агентлигининг "Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш" АЖ ва "Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси" АЖнинг **камида 10 фоиз акцияларини маҳаллий фонд бозорида халқ IPОсини ўтказиш орқали оммавий жойлаштириш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

5. Белгилансинки:

а) фонд биржасига чиқарилган давлат акция пакетларини сотишга ва олди-сотди шартномасини расмийлаштиришга **фақат савдо жараёнларида камида иккита иштирокчи қатнашганда рухсат берилади**;

б) барча давлат муассасаларининг асосий воситаларини сотиш ёки ижарага бериш **"E-auksion" электрон савдо платформаси орқали амалга оширилади**;

в) **2023 йил 1 июлдан бошлаб** жисмоний шахсларга **"Давлат мулки" ахборот тизими орқали** майдони 2 000 метр квадратгача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини **хусусийлаштириш ёки ижарага бериш учун тўғридан-тўғри онлайн аукцион савдоларига чиқариш бўйича ариза бериш ҳуқуқи берилади**;

г) **2023 йил 1 сентябрдан бошлаб**:

кўчмас мулк объектлари ва давлат улушлари хусусийлаштирилганлиги тўғрисидаги давлат намунасидаги **ордер ва сертификат** Давлат хизматлари марказлари ва (ёки) Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали **QR-код қўйилган ҳолда берилади**;

онлайн аукцион савдоларида давлат мулки объектларини сотиб олган харидорлар билан шартномалар савдо натижаси бўйича баённома асосида **"E-auksion" электрон савдо платформасида электрон шаклда (шу жумладан, электрон рақамли имзо орқали) расмийлаштирилади**;

ҳар чоракда тегишли вазирлик ва идоралар ходимларининг жойига чиққан ҳолда инвестиция мажбуриятларининг бажарилишини **оралиқ мониторинг қилиш тартиби бекор қилинади**;

инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисидаги **ҳисоботларни қоғоз шаклида тақдим этиш тартиби бекор қилиниб**, **тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг электрон базасини "Давлат мулки" ахборот тизимига интеграция қилиш** тадбиркорлар электрон тизимга киритадиган маълумотлар орқали ҳисоботларни олиш йўлга қўйилади.

6. Вазирлар Маҳкамаси:

а) **икки ҳафта муддатда** тугатиладиган ва қайта ташкил этиладиган давлат иштирокидаги корхоналар ва давлат муассасалари рўйхати;

б) **уч ой муддатда** мазкур қарорга 3-иловага мувофиқ муниципал мулк объектларини белгилаш мезонларини инобатга олиб:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига асосан тасарруф этиладиган республика мулкларининг рўйхати;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгашлари ҳамда улар билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан тасарруф этиладиган давлат мулки объектларининг рўйхати тасдиқланишини таъминласин.

7. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Давактив агентлиги билан биргаликда мазкур қарорга 1-иловада келтирилган корхоналарга берилган эксклюзив ҳуқуқларни хатловдан ўтказиб, уларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритиб борсин.

8. Давактив агентлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда **2023 йил 1 сентябрга қадар** давлат ихтиёридаги истироҳат боғларини хатловдан ўтказиб, уларнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Бунда ҳудудлардаги барча давлат истироҳат боғларининг тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида давлат муассасаси шаклида "Истироҳат боғларини бошқариш дирекциялари"ни ташкил этган ҳолда уларга ўтказилиши назарда тутилсин.

9. Давактив агентлиги (А.Ортиқов):

а) **2023 йил 1 июнга қадар** майдони 2 000 метр квадратгача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини жисмоний шахслар аризалари бўйича хусусийлаштириш ёки ижарага бериш учун тўғридан-тўғри онлайн-аукцион савдоларига чиқариш тартибини тасдиқласин;

б) қуйидагиларни:

**2023 йил 1 июлга қадар** республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулки (муниципал мулк) объектларини бошқариш тўғрисидаги қарор лойиҳасини;

**2023 йил 1 августга қадар** Адлия вазирлиги билан биргаликда Давлат уй-жой фондига қарашли уйдаги квартирага (уйнинг бир қисмига) мулк ҳуқуқини эътироф этиш ваколатини маҳаллий ҳокимликларга ўтказишни назарда тутган ҳолда Давлат уй-жой фондига қарашли уйдаги квартирани (уйнинг бир қисмини) хусусийлаштириш бўйича ягона давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий регламент лойиҳасини;

**уч ой муддатда** манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 24 март

# АСОСИЙ МАВЗУ — БОШ ҚОМУСИМИЗГА КИРИТИЛАЁТГАН НОРМАЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

1

Марказ Янгиҳаёт ва Сергели туманларидаги ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва малакасини оширишга ихтисослаштирилган бўлиб, бу ерда фуқаролар 11 та касбга ўқитилмоқда.

Марказ тингловчилари ва ўқитувчилари билан кечган мулоқотда янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши ҳам мустаҳкамланаётганига урғу берилди. Қолаверса, давлат фуқаролар касбий тайёргарлиги ва қайта тайёрланишини ташкил қилиши ҳамда рағбатлантириши акс эттирилаётгани айтиб ўтилди.

Айни чоғда ушбу янги норма иш билан таъминланмаган фуқароларнинг камбағалликка тушиб қолишининг олди олиш ёки камбағаллик тоифасидаги фуқароларни ундан чиқариш бўйича давлат томонидан тегишли чоралар кўрилишида ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Олий Мажлис Сенати Раисининг навбатдаги мулоқот манзили — Тошкент вилояти туманлари бўлди. Дастлаб вилоят ҳокимлигида халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, касаба уюшмалари фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашув уюштирилди.

Шу жараёнда иштирокчиларга референдум тушунчаси, янги таҳрирдаги Конституция мазмун-моҳияти, унга киритилаётган янги модда ва нормалар ҳақида атрофлича тушунтиришлар берилди. Жумладан, янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида маҳаллаларга аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этиш бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколатларини бериш, бунинг учун ташкилий ва молиявий имконият яратиш белгиланаётгани, буларнинг барчаси давлат ҳокимиятида ҳисобдорлик, шаффофлик, самарали қарорлар қабул қилиш ва унинг натижадорлигини оширишга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Юқори Чирчиқ туманида ўтказилган маҳаллий Кенгаш депутатлари, касаба уюшмалари ва хотин-қизлар фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари иштирокидаги учрашувда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида урғу берилди.

Ўз навбатида, туманнинг Маърифат маҳалласида жойлашган Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлаш маркази кўздан кечирилди ва бу ерда тингловчилар билан мулоқот бўлиб ўтди.

Сенат Раиси Қибрай туманининг Нурафшон маҳалласидаги ана шундай марказ фаолияти билан ҳам танишди. Айни чоғда туманнинг Янгиобод маҳалласи ҳудудида очилган "Канишка" тўқимачилик корхонасида бўлиб, бу ерда меҳнат қилаётган хотин-қизлар билан суҳбатлашди.

Мазкур мулоқотларнинг барчасида асосий мавзу — Бош қомусимизга киритилаётган нормалар ва уларнинг аҳамияти бўлди. Аниқ айтадиган бўлсак, ушбу мулоқотлар давомида янгиланаётган Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари сезиларли даражада кенгайтирилаётгани, жумладан, конституциявий ҳуқуқлар доираси экологик ҳуқуқлар, соғлиқни сақлаш, аёллар ва эркаклар тенглиги, эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини эркин танлаш, мамлакатдан чиқиш ва монеликсиз қайтиш, интернетдан фойдаланиш, шахсий маълумотлар ҳимояси, олий таълим, бепул юридик ёрдам олиш, уй-жойга эга бўлиш, банк операциялари ва ҳисобварақларининг сир сақланиши, қонунчиликка оид таклиф киритиш каби ҳуқуқлар билан тўлдирилаётгани алоҳида айтиб ўтилди.

**«Халқ сўзи».**

# МАМЛАКАТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ФУҚАРОЛАРНИНГ БУ ЖАРАЁНДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШИГА КУЧЛИ ТУРТКИ БЕРАДИ

*Хорижий экспертлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар ҳақида фикр билдирмоқда.*

## Дунё нигоҳи

**Иан ВУДКОК, "United Concrete Canvas" компанияси асосчиси (Буюк Британия):**



— Компаниямиз Ўзбекистон бозорида бир неча йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Биз Ўзбекистонда ва бутун Марказий Осиё минтақасида кечаётган иқтисодий жараёнларни диққат билан кузатиб борамиз.

Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев томонидан бошланган ислоҳотлар туфайли сўнгги 7 йил ичида бизнес шароитлари ва сармоявий муҳит нуқтаи назаридан таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳасида давлат зиммасига қулай сармоявий муҳитни яратиш, шунингдек, мамлакат ҳудудларини комплекс ва барқарор ривожлантириш учун масъул эканлиги алоҳида таъкидлангани жуда қувонарлидир.

Таъкидлаш керакки, лойиҳада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик мувозанатни муҳофазалаш масалалари алоҳида баён этилган бўлиб, бу Ўзбекистоннинг табиий ресурслардан эҳтиёткорлик билан фойдаланишга бўлган муносабатидан далолат беради.

Ишончим комилки, янгиланаётган Конституция бозор механизмлари ва ҳалол рақобат тамойилларини, иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлиги кафолатларини янада мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асосига айланади.

**Альдона МИХАЛЯК, Польша Аёллар лигаси бошқаруви раиси:**



— Конституциявий қонун лойиҳасида илк бор Ўзбекистон халқининг очиқ, баркамол ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш истаги мустаҳкамланмоқда. Шу билан бирга, "фуқаролик жамияти" атамаси илк маротаба қўлланилмоқда, унинг институтлари тўғрисида алоҳида бўлим жорий этилмоқда. Сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, жамоат фондлари, бошқа нодавлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил қилиши муҳрланмоқда.

Бундан ташқари, давлатнинг конституциявий-ҳуқуқий мажбурияти қайд этилган. Яъни фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги иштирокини таъминлаш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш, давлат томонидан амалга оширилишини қатъийлаштириш чораларини кўриш ва жамоат назоратини кафолатлаш Асосий Қонунда мустаҳкамланмоқда.

Ушбу ўзгартишлар мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш, фуқароларнинг бу жараёнда фаол иштирок этишига кучли туртки беради. Шунингдек, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг инклюзивлиги, шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлайди, давлат ва жамият қурилишининг тарихан янги босқичи бошланишига мустаҳкам замин яратади.

**Алвис ЭГЛИТИС, Латвиянинг "LETA" ахборот агентлиги халқаро янгиликлар муҳаррири:**



— Ўзбекистон Конституциясининг янгиланиши мамлакатда сўнгги йиллар давомида амалга оширилаётган чуқур ислоҳотлар жараёнининг мантиқий давоми ҳисобланади.

Конституцияни янгилашда ҳужжат муқаддимасида қайд этилганидек, халқаро ҳуқуқнинг тамойиллари асос қилиб олингани, айниқса, муҳим жиҳатдир.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бўлими сезиларли даражада кенгайтирилган. Унда мазкур ҳуқуқ ва эркинликлар батафсил баён этилган. Фуқароларнинг давлат томонидан кафолатланган кўплаб ижтимоий ҳуқуқлари таъминланиши ҳам муҳим жиҳатлардан.

Айниқса, давлат оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини — уларнинг маълумот тўплаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқини кафолатлайдиган меъёрни таъкидлашни истар эдим.

Шу тариқа, таклиф этилаётган Асосий Қонун лойиҳасининг 1-моддасида қайд қилинганидек, янгиланган Конституция Ўзбекистоннинг демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат сифатида янада равнақ топиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади.

**Ацуши ОГИХАРА, Васэда университети декан ўринбосари, профессор (Япония):**



— Таълим — давлат ва жамиятнинг равнақ топиши ҳамда барқарорликка эришишида муҳим омил ҳисобланади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Японияда таълим, илм-фан, тадқиқотларга давлат даражасида катта эътибор қаратилиши натижасида мамлакатимиз барча соҳада дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан жой олишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида сўнгги йилларда мактабгача таълим қамровини кенгайтириш, мактаб таълимини қўллаб-қувватлаш, олий таълим муассасалари фаолиятини эркинлаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг 52-моддаси алоҳида эътиборга молик.

Янгиланаётган Конституциянинг 52-моддаси ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсишига ғамхўрликни кафолатлайдиган меъёр ҳисобланади.

Ўзбекистон Конституциясига ўқитувчилар билан боғлиқ модда киритилаётгани — жамиятда ушбу касб эгаларига нисбатан йиллар давомида шаклланган муносабатни ижобий томонга ўзгартириш йўлида ташланган жуда катта қадам, деб биламан.

Ўзбекистонда ўқитувчилар обрўсини кўтариш, уларни рағбатлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда, ўқитувчилар мажбурий меҳнат — пахта терими, ободонлаштириш ишларига жалб қилинмайдиган бўлди. Бу катта сиёсий иroданинг ҳосиласи, деб ҳисоблаш мумкин.

Бундай ўзгаришлар ўқитувчилар малакасини ошириш, ўз устида ишлаш, таълим беришнинг янги усулларини ишлаб чиқишга қулай шароит яратадиган тизимни йўлга қўйиш учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

**«Дунё» АА.**

## Фикр

# ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТИМИЗГА ҲАМОҲАНГ

*Маълумки, янгиланаётган Конституция лойиҳасидан юртимизда рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг бўлган кўплаб нормалар ўрин олган. Бу нормаларнинг аҳамиятини уларнинг мазмун-моҳиятини тўла очиш орқали кенг тасаввур этиш мумкин. Шу боис ҳам улардан айримларининг мазмун-моҳияти ҳақида сенаторларнинг фикрлари билан қизиқдик.*

**Фарҳод БОҚИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:**

— Лойиҳага кўра, миллий парламентимизнинг кучайтирилаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Ҳозиргача Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мутлақ ваколати 5 та бўлиб, лойиҳага асосан улар сони 12 та етказилмоқда. Сенатнинг мутлақ ваколатлари эса амалдаги 14 тадан 18 тага оширилмоқда.

Илғор хорижий тажриба асосида Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш масаласи Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатига ўтказилмоқда, Бош вазир номзодини Қонунчилик палатасига тақдим қилишдан олдин Президент томонидан барча сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашув ўтказиш тартиби жорий этилаётгани Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш жараёни янада демократлаштирилишидан далолат беради.

Бош прокурор, Ҳисоб палатаси раҳбарлигига номзодлар аввал Сенатда кўриб чиқилиб, кейин Президент томонидан тайинлаш, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги раҳбарларини Сенат томонидан сайлаш амалиётини жорий этиш ҳам таклиф қилинмоқда.

Махсус хизматлар фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш мақсадида Давлат хавфсизлик хизмати раҳбарлигига номзод бўйича аввал Сенатда маслаҳатлашув ўтказилиб, кейин Президент томонидан тайинлаш тартиби жорий этиляпти.

Сенатга қонунчиликка оид таклифларни қонунчилик ташаббуси тартибида Қонунчилик палатасига киритиш ҳуқуқи берилаётганлиги юқори палатанинг қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини, шу жумладан, халқни қийнаётган масалаларнинг қонуний ечимини ҳал этиш бўйича фаолияти натижадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Гулнора МАЪРУФОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Охирги йилларда юртимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат ва жамият ишларидаги иштироки учун кенг имкониятлар яратиш борасида салмоқли ишлар қилинди. Муҳими, бу саъй-ҳаракатлар ўз самараларини бермоқда.

Буни илк маротаба хотин-қизларнинг миллий парламентимиздаги улуши БМТ тавсияларига мос 32 фоизга етганлиги мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Эътиборлиси, Конституция лойиҳасида бу борадаги ишларга янгича суръат бериши кутилаётган қатор янги нормалар ўрин олган. Хусусан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, болалар, ёшлар ҳуқуқлари, оила масалаларига бағишланган кафолатлар кучайтирилмоқда. Ёшлар, болалар, аёллар, оила ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат ва жамиятнинг муҳим вазифаси сифатида муҳрланмоқда. Давлат томонидан ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши белгиланаётгани ҳам диққатга сазовор.

**Маҳмуд ПАРПИЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Сир эмас, кейинги йилларда мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида яхши ишларга қўл урилди. Буни нафақат юртдошларимиз, айни чоғда жаҳон ҳамжамияти ҳам бот-бот эътироф этиб келмоқда.

Янгиланаётган Конституциямиз бу борадаги ишларимизга ўзгача суръат бағишлайди, десак, асло муболаға бўлмайди. Унда оммавий ахборот воситалари фаолияти эркинлиги, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари кафолатланмоқда. Айни чоғда халқ овози ва фикрини кенг жамоатчиликка, давлат идоралари эътиборига олиб чиқаётган оммавий ахборот воситалари, журналистлар фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашиш жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақидаги қоида Бош қомусимизда муҳрланаётганлигини юртимизда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш йўлидаги муҳим ишлардан бири сифатида баҳолаймиз.

Лойиҳадаги ушбу нормалар оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари янада фаол бўлиши учун кенг имконият тақдим этади. Ва жамиятда очиқлик, ошкоралик ва қонунийлик муҳитини, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлайди, кучли жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш имконини беради, юртимизда сўз ва ахборот эркинлигини янада юксалтириш учун замин ҳозирлайди.

**«Халқ сўзи».**

# ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИККА ТУШУНТИРИЛДИ

1 Айниқса, сўнгги йилларда юртимизда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинаётгани, аҳолининг қўшимча даромад олиш имкониятлари кенгаяётгани, халқимиз дастурхонига сифатли ва арзон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиш ҳажми ошаётганини қайд этиб, соҳадаги ишлардан мамнун эканликларини билдиришди. Қабул қилиниши мўлжалланаётган янги Конституцияда ҳам қишлоқ хўжалиги, ердан унумли фойдаланишга қаратилган қоидалар акс этгани таъкидланди.

Депутатлар Янгиҳаёт маҳалласида "Очиқ бюджет" тизими орқали маҳаллани обод қилиш йўлида амалга оширилган ишларни ҳам кўздан кечиришди. Мазкур жараёнда маҳалла фаоллари томонидан ушбу тизим орқали маҳалла обод қилингани, "Очиқ бюджет" тизими аҳолини қийнаб келаётган муаммоларнинг ечимини топишда муҳим омил бўлаётгани айтиб ўтилди.

Шаҳрисабз шаҳрида маҳаллаларда фуқаролар билан бўлиб ўтган учрашувларда ҳунармандчилик соҳасида давлатимиз раҳбари томонидан яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар минтақада соҳанинг ривожида, аҳолининг бандлигини таъминлашда, ҳунармандларнинг ўзлигини кенг намоён қилишларида муҳим омил бўлаётганини эътироф этдилар.

Бўлиб ўтган учрашув ва мулоқотларда фуқаролар мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотларни тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда, Конституциявий қонун лойиҳасининг юртимиз тарихида илк бор референдум орқали қабул қилинаётганини мамнуният билан маъқулладилар.

Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида ўтказилган тадбирда парламент қуйи палатаси депутати Б. Раҳмоналиев Бош қомусимизга киритилаётган янгиликлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Хусусан, янги таҳрирдаги Конституциямизда илгари амал қилиб келган "давлат — жамият — инсон" тамойили "инсон — жамият — давлат" деб ўзгартирилаётгани, бу билан энг аввало, инсон манфаати ҳар нарсадан устун қўйилиши мақсад қилингани қайд этилди.

Таъкидланганидек, Конституциянинг биринчи моддасида Ўзбекистон — ижтимоий давлат, деб эълон қилинмоқда. Яъни давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалар қарийб уч баравар ортмоқда.

— Ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланяпти, — дейди депутат Б. Раҳмоналиев. — Ушбу норманинг амал қилиши ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошпанасига эга бўлишини таъминлаб, кишиларнинг ҳаётдан розилик даражасини оширади.

Риштон тумани ҳокимлигида халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари иштирокида ўтган тадбир ҳам айни шу мавзуга бағишланди.

Халқ вакили Асосий Қонунимизнинг аҳамияти ҳақида тўхталаркан, Конституцияда давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳамда моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсишига ғамхўрлик кўрсатиш мажбурияти кучайтирилаётганини таъкидлади.

Халқ вакилининг айтишича, ушбу қоидалар мамлакатимиздаги 685 минг нафардан зиёд ўқитувчиларнинг профессионал ўсиши ҳамда жамиятдаги ижтимоий мақоми, обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

### Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш — бош мақсад

Хоразм вилоятининг Боғот туманида янгиланаётган Конституция мазмун-моҳиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда қуйи палата депутатлари Ботир Тўразода ва Камолбек Жуманиёзов Бош қомусимизга киритилаётган нормалар ва уларнинг аҳамияти ҳақида йиғилганларга тушунтириш берди.

Халқ вакилларининг айтишича, Конституцияда ҳар кимнинг меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқи кафолатланмоқда.

Мазкур норманинг Конституцияда белгиланиши фуқароларнинг иш ҳақлари миқдори шунчаки эмас, айнан уларнинг муносиб турмуш кечиришини таъминлашда, пировард натижада аҳоли турмуш даражаси яхшиланиши ва юртимизда ижтимоий адолатни устувор қадриятга айлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

— Янги таҳрирдаги Конституциямизда жамиятнинг барча қатлами манфаатлари инобатга олинган, — дейди депутат Б. Тўразода. — Хусусан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қоидалар бир неча каррага ортмоқда, ўз навбатида, давлатнинг ҳам халқ олдидаги мажбурияти бир неча баравар ошмоқда.

Шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш — давлатнинг олий мажбурияти этиб белгиланмоқда. Инсон ва давлат органлари ўртасидаги юзага келадиган ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши, ҳуқуқий таъсир чоралари қонуний мақсадга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши кераклиги белгиланяпти.

Сўз олганлар киритилаётган янгиликларни якдиллик билан қўллаб-қувватлаб, Бош қомусимиз том маънода халқ Конституцияси бўлаётганини эътироф этишди.

### Ҳар қандай ҳаракат суд қарори асосида амалга оширилади

Фарғона вилоятининг Данғара туманида ўтказилган тадбирда қуйи палата депутати Равшан Бегматов Бош қомусимизга киритилаётган янги нормалар, уларнинг аҳамияти ҳақида батафсил маълумот берди.

Таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида Конституциявий қонун лойиҳаси устида қизғин иш олиб борилди. Қонун лойиҳаси юзасидан 220 мингдан зиёд таклифлар келиб тушди. Муҳокамаларда олимлар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институти вакиллари, хориждаги ватандошларимиз, умуман, Ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз зўр қизиқиш билан иштирок этди ва takлифларини билдирди.

Бундан ташқари, Конституциявий қонун лойиҳаси лингвистик, юридик, гендер-ҳуқуқий, коррупцияга қарши, жамоатчилик ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича нормаларга мувофиқлиги юзасидан экспертизалардан ўтказилди.

— Янгиланаётган Конституцияда шахсни суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб туриш мумкин эмаслиги белгиланмоқда, — дейди депутат Р. Бегматов. — Яъни шахснинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат фақатгина суд қарори асосида амалга оширилиши шарт. Ушбу қоида тергов органлари томонидан инсонларни ноқонуний ҳибсга, асоссиз қамоққа олиш ва сақлашга йўл қўймасликка қаратилган. Бу орқали халқаро эътироф этилган "Хабеас корпус" институтининг қўлланиш кўлами янада кенгаяди.

Шунингдек, Конституциямизда "шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлмаслиги" мустаҳкамланмоқда. Бош қомусимизга киритилаётган ушбу қоида халқимизнинг кўп йиллар давомида бошига тушган ташвиш, яъни заррача айби йўқ шахсга нисбатан айбдор сифатида қараш каби собиқ тузумдан қолган сарқитдан холи этишга қаратилгандир.



### Киритилаётган нормалар ёшлар манфаатига хизмат қилади

Янгиланаётган Конституция мазмун-моҳиятига бағишланган ана шундай тадбирлардан бири Бухоро вилоятининг Ромитан туманида ҳам бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутати Шерзод Раҳмонов Асосий Қонунимизга киритилаётган нормалар ҳақида батафсил маълумот берди.

Таъкидланганидек, Бош қомусимизда оила, болалар ва ёшлар учун алоҳида боб ажратилмоқда. Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан, шунингдек, халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиши белгиланяпти.

Шунингдек, ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш — давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида киритилмоқда. Мазкур нормалар нафақат ёшлар манфаати, балки бутун жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келажак тақдири учун ҳам муҳимдир.

Тадбирда сўз олганлар Бош қомусимизга бефарқ эмасликларини билдириб, киритилаётган янги нормаларни якдиллик билан эътироф этдилар.

### Маҳаллага мустақил қарор қабул қилиш ваколати берилмоқда

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фахриддин Самадов сўз олиб, Бош қомусимизга киритилаётган янги нормалар ҳақида фикр юритди.

Хусусан, ўтган давр мобайнида Конституциявий қонун лойиҳаси устида қизғин иш олиб борилгани, лойиҳа юзасидан 220 мингдан зиёд таклифлар келиб тушгани қайд этилди. Янги таҳрирдаги Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари сезиларли даражада кенгайтирилаётгани айтилди.

— Конституцияда маҳаллаларга аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этиш бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколатларини бериш, бунинг учун ташкилий ва молиявий имкониятлар яратиш белгиланмоқда, — дейди депутат Ф. Самадов. — Буларнинг барчаси давлат ҳокимиятида ҳисобдорлик, шаффофлик, самарали қарор қабул қилиш ва унинг натижадорлигини оширишга хизмат қилади.

Қизғин ўтган тадбирда иштирокчилар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга атрофлича жавоб олди.

### Меҳнат учун адолатли ҳақ олиш ҳуқуқи

Самарқанд вилоятининг Пастдарғом тумани ҳокимлигида ўтказилган тадбирда Қонунчилик палатаси депутати Музаффара Абдиева янгиланаётган Конституциямизнинг мазмун-моҳияти ҳақида иштирокчиларга тушунча берди.

Дастлаб янгиланаётган Конституциядаги таълим соҳасига оид эътибор қаратилди.

Қайд этилдики, Конституцияда давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсишига ғамхўрлик кўрсатиш мажбурияти кучайтирилмоқда. Бу қоидалар мамлакатимиздаги 685 минг нафардан ортиқ ўқитувчиларнинг профессионал ўсиши ҳамда ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватланиши, уларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми, обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

— Конституцияда ҳар кимнинг меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқи кафолатланмоқда, — деди депутат М. Абдиева. — Мазкур норманинг Конституцияда белгиланиши фуқароларнинг иш ҳақлари миқдори шунчаки эмас, айнан уларнинг муносиб турмуш кечиришини таъминлашда, пировард натижада аҳоли турмуш даражасини яхшилашда ва мамлакатимизда ижтимоий адолатни устувор қадриятга айлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Йиғилишда маҳаллалар фаоллари, хотин-қизлар ва ёшлар янгиланаётган Конституция юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

### Шаҳарсозлик фаолиятида жамоатчилик назорати

Парламент қуйи палатаси депутати Наврўзбек Юсуповнинг Андижон вилояти Избоскан туманидаги сайловчилар билан учрашувлари қизғин ўтаётир. Хусусан, ўқитувчилар, шифокорлар, мактабгача таълим ташкилотлари ходимлари иштирокида ўтган тадбирда янгиланаётган Конституцияда ҳар бир соҳа ходимлари учун тааллуқли бўлган бўлим, боб ва моддалар бўйича тушунтиришлар берилди.

Айни чоғда Конституцияда ўз аксини топаётган экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Таъкидланганидек, атроф-муҳит инсон саломатлиги ва ҳаётига таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. БМТ маълумотларига кўра, инсон саломатлигининг 20 — 40 фоизи атроф-муҳит ҳолатига боғлиқ. Табиий захиралар қисқараётган, глобал иқлим ўзгариши, экология ва табиат билан боғлиқ муаммолар инсоният келажагига таҳдид солаётган ҳозирги даврда қулай атроф-муҳит янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Янгиланаётган Конституцияда давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши белгиланмоқда.

Депутатнинг фикрича, мазкур норма жамоатчилик назоратини кенгайтириш орқали аҳоли ҳамда келажак авлод учун қулай ва экологик тоза ҳудудни сақлаб қолиш, фуқароларнинг саломатлигини ишончли муҳофаза этиш, яшаш ва ривожланиш учун қулай атроф-муҳитни таъминлашнинг конституциявий кафолатларини кучайтиради.

Учрашувда, шунингдек, мазкур ҳуқуқий ўзгартишларнинг соҳалар ривожидаги ўрни хусусида тадбир иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

### Фуқаролар манфаати ҳар нарсадан устун

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Шарофиддинов ҳам Фарғона вилоятидаги учрашувлари чоғида янгиланаётган Конституциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сайловчиларга батафсил маълумот берди.

Хусусан, қуйи палата депутати Бешариқ туманидаги "Навбаҳор", "Янгиҳаёт" МФЙ фаоллари билан ўтган мулоқотда Асосий Қонунимизга очиқлик сиёсатини давом эттириш, фаол фуқаролик жамиятини шакллантириш ва жамоатчилик назорати институтини янада ривожлантиришга қаратилган нормалар киритилаётганини қайд этди.

Унинг айтишича, миллий қонунчилигимизда биринчи маротаба фуқаролик жамияти институтларининг таркиби очиб берилмоқда ҳамда улар фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этиши мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, Давлат бюджетини шакллантириш ва уни ижро этиш устидан фуқаролик жамияти институтлари томонидан жамоатчилик назорати олиб борилиши ҳақида янги модда киритилмоқда.

Тадбирда янгиланаётган Конституцияда ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақлилиги белгиланаётгани таъкидланди.

Сўз олганлар Конституциявий қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда "Инсон манфаати ҳар нарсадан устун" деган мезон асос қилиб олингани, айниқса, Бош қомусимизга киритилаётган нормалар ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилганлигидан мамнун эканликларини билдирди.

### Келажагимиз кафолати

Янгиланаётган Конституция юртимиз тараққиёти, халқимизнинг фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади.

Айни чоғда янги таҳрирдаги Конституцияда давлат томонидан хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларнинг сақлаб қолиниши ҳамда ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши ҳам таъкидланяпти.

Ушбу норма чет элларда яшаётган, ишлаётган, таълим олаётган ватандошларимизни ўз она юрти билан доимий алоқада бўлишига, тили, маданиятини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантиришига ва асосийси, Ўзбекистонимиз нуфузини янада оширишга ўз ҳиссасини қўшишига хизмат қилади.

Бу ҳақда Жиззах вилоятида Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган тадбирда алоҳида таъкидланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Муқаддас Тиркашева янги таҳрирдаги Конституциянинг аҳамияти ҳақида сўз юритар экан, унда инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларда юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши белгиланаётганлигини урғулади.

Шунингдек, янгиланаётган Конституциямизда бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири — экология масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилганлигини билдирди.

**«Халқ сўзи».**

# ЮРТДОШЛАРИМИЗ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ МАЪҚУЛЛАМОҚДА

*Аввал хабар берилганидек, айни кунларда сенаторлар жойларда бўлиб, янгиланаётган Конституциямизнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти юзасидан тушунтириш тадбирлари ўтказмоқда.*

## Сенатор ва ҳаёт

Хусусан, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Н. Умаров Сув хўжалиги вазирлиги тизими ходимлари учун ўтказилган Конституциявий ислоҳотлар мазмун-моҳиятига бағишланган тадбирда маъруза билан қатнашди.

Қайд этилганидек, янгиланаётган Конституция мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёти, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат сифатида хизмат қилади. Жумладан, янги таҳрирдаги Конституцияда Олий Мажлиснинг жамият ҳаётидаги ўрни, роли ва таъсирини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ваколатлари парламентга ўтказилаётир. Яъни — Бош прокурор, Ҳисоб палатаси раҳбарлигига номзодлар аввал Сенатда кўриб чиқилиб, кейин Президент томонидан тайинланиши ҳамда рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш органлари раҳбарларини Сенат томонидан сайлаш амалиёти жорий этилмоқда. Қолаверса, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини Сенат томонидан сайлаш тизими киритилмоқда.

Бундан ташқари, кучли ижтимоий ҳимоя ва муҳтожларга ғамхўрлик, атроф-муҳитни муҳофазалаш, ҳуқуқий давлат қуриш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари, ёшлар ҳуқуқлари ҳимояси каби масалалар Конституцияда назарда тутилаётганига ҳам урғу берилди.

* * *

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Иминов Сурхондарё вилоятининг бир қатор туман ва шаҳарларида бўлиб, мамлакатимиз Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, бундан кўзланган мақсадларни юртдошларимизга батафсил тушунтирмоқда.

Жумладан, Шўрчи туманида педагоглар ва маориф ходимлари иштирокида ўтказилган учрашувда Бош қомусимизга киритилаётган ўзгартишларнинг мазмун-моҳияти ва таълим ривожига доир муҳим жиҳатлари хусусида сўз борди. Хусусан, янгиланаётган Конституциянинг 50 ва 52-моддаларида мактаб ва мактабгача таълимни ривожлантириш бўйича бир қатор ҳуқуқий асослар киритилаётганлиги қайд этилди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 52-моддасида Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилиши, давлат ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши қатъий белгилаб қўйилгани алоҳида айтиб ўтилди.

* * *

Тошкент шаҳри ҳокимлигида бўлиб ўтган мулоқотда Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Д. Тошмуҳамедова томонидан янгиланаётган Конституция лойиҳаси мазмун-моҳияти ва бунинг халқимиз учун қандай аҳамиятга эга эканлиги хусусида сўз юритилди.

Аҳолимизнинг 18 миллиондан ортиғи ёшлар эканлиги, ушбу кўрсаткич 2040 йилга бориб 25 миллионга етишини ҳисобга олиб, Конституцияга ёшлар масаласига доир алоҳида боб киритилаётгани муҳим аҳамиятга эгалигига урғу берилди.

Учрашув давомида ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириш, уларнинг маънавий, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан ривожланиши, ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шароит яратиш мажбуриятини давлат ўз зиммасига олиши ёшларга ҳаётда ўзларини тўлақонли намоён этиш имкониятини бериши айтиб ўтилди.

Шу билан бирга, "meningkonstitutsiyam.uz" сайтида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси борасида атрофлича маълумотларни олиш имконияти мавжудлиги қайд этилди.

* * *

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари Ш. Чўллиев Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигида ташкил қилинган тадбирда иштирок этди.

Сенатор мазкур тадбир доирасида маъруза қилиб, Ўзбекистоннинг янгиланаётган Конституцияси борасида айрим долзарб масалалар, асосий янгиликлар ҳамда муҳим йўналишлар ҳақида батафсил тушунтиришлар бериб ўтди.

Қайд этилганидек, давлат ҳокимиятини ташкил қилиш асослари, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари мақоми ва муносабатлари тубдан такомиллаштирилмоқда, давлат ҳокимиятининг олий органлари ўртасидаги мувозанат қатъийлаштирилмоқда. Парламент ваколатлари кучайтирилиб, Сенатнинг ҳудудий вакиллик палатаси сифатидаги мақоми такомиллаштирилмоқда.

Шунингдек, янгилаётган Конституцияда Бош прокурор, Ҳисоб палатаси раҳбарлигига номзодлар аввал Сенатда кўриб чиқилиб, кейин Президент томонидан тайинланиши, рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш органлари раҳбарлари Сенат томонидан сайланиш амалиётини жорий қилиш таклиф этилаётганлиги ҳам билдирилди.

* * *

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Эркин Гадоев Бухоро шаҳри ва Шофиркон туманида ўтказилган тадбирларда иштирок этиб, янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳияти бўйича кенг жамоатчилик вакиллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, маҳалла фаолларига батафсил тушунча берди.

Хусусан, сенатор янгиланаётган Конституцияда тадбиркорлик фаолияти кафолатларини кучайтириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, адолатли солиқ тизимини йўлга қўйиш, монополистик фаолиятни чеклаш орқали том маънода эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш учун барқарор асос яратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Қайд этилганидек, тадбиркорлик субъектларига кенг йўл очилгани туфайли сўнгги олти йилда уларнинг сони 6 баравар ошиб, бугунги кунда 2 миллионга етди. Тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлар сони 26 мингта, 100 миллион долларга етказганлар сони эса 220 тани ташкил этди.

Лойиҳада мулк дахлсизлиги ва у билан боғлиқ ҳуқуқлар таъминланиши давлат томонидан кафолатланиши, мулкий ҳуқуқларни чеклаш фақат суд қарори асосида бўлиши мустаҳкамланмоқда. Мамлакатимизда товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағлар эркин ҳаракатланиши кафолатланмоқда. Бу иқтисодиёт барқарор ўсиши, фаровон ҳаётимиз таянчи ҳисобланган тадбиркор ва ишбилармонларимизнинг эркин фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолат яратади.

* * *

Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Малика Қодирхонова Тошкент вилоятининг Пискент ва Қуйи Чирчиқ туманларида маҳаллий Кенгаш депутатлари, маҳаллалар фаоллари ва кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Уларда янги таҳрирдаги Конституцияга киритилаётган ўзгартишлар мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилди.

Таъкидланганидек, янгиланаётган Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари сезиларли даражада кенгайтирилмоқда. Хусусан, конституциявий ҳуқуқлар доираси экологик ҳуқуқлар, соғлиқни сақлаш, гендер тенглик, эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини эркин танлаш, мамлакатдан чиқиш ва монеликсиз қайтиш, интернетдан фойдаланиш, шахсий маълумотлар ҳимояси, олий таълим, бепул юридик ёрдам олиш, давлат хизматига киришда тенглик, уй-жойга эга бўлиш, ундан маҳрум этилганда компенсация олиш, банк операциялари ва ҳисобварақлари сир сақланиши, қонунчиликка оид таклиф киритиш каби ҳуқуқлар билан тўлдирилмоқда.

Шунингдек, тадбирда "Инсон қадри учун" тамойили Конституцияда, қонунларимизда ва давлат идоралари фаолиятида бош мезон бўлиши шартлиги қайд этилди. Шу боис янги таҳрирдаги Бош қомусимизда инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир ҳамда ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда.

Сенаторларнинг жойлардаги тарғибот тадбирлари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

## Учрашув

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИ УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНДИ

*Кеча Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Барқарор ривожланиш маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида учрашув ташкил этилди.*

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда талабалар қатнашган ушбу тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар ва бўлажак референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар ижроси ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, янгиланаётган Конституцияда узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ёки нодавлат таълим ташкилоти эканлигидан қатъи назар, давлат томонидан уларнинг ривожи таъминланади. Бундан ташқари, давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим эса мажбурий этиб белгиланиши ёшларнинг таълим олишлари муҳимлигини кўрсатади.

Айтиш керакки, алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланиши, уларнинг жамиятда тўлақонли аъзо сифатида вояга етишига хизмат қилади ва Барқарор ривожланиш мақсадларининг "Ҳеч кимни ортда қолдирмаслик" принципига мувофиқдир.

Бундан ташқари, олий таълим тизимида ҳам туб ислоҳотлар олиб борилияпти. Билим даргоҳларининг қиёфаси ўзгариб, моддий-техника базаси яхшиланяпти, илмий ишланмаларни молиялаштириш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш кучайтирилмоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошлари ҳам ошиб боряпти. Давлат-хусусий шериклик тамойили асосида нодавлат олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилди. Аҳоли фикрини ўрганган ҳолда сиртқи ва кечки таълим шакллари қайта тикланди, қабул квоталари йилдан-йилга ошириляпти.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, "Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли" нормасининг киритилиши олий таълим муассасаларида давлат грант ўринлари йўқолмаслигини таъминлашга хизмат қилади. Асосийси, бунинг барчаси таълим тизими умуммиллий ҳаракатга айланганини яққол акс эттиради.

Тадбирда таълим соҳасига оид бошқа янгиликлар ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

**«Халқ сўзи».**

# ТАФАККУРНИНГ ҚУДРАТЛИ ИЛДИЗЛАРИ

## Ўзбекистон – илм-маърифат ўчоғи, зиё маркази бўлган қутлуғ замин

1

“Биринчи Ренессанс алломалари” китобида дунё илм-фанида рўй берган ана шундай ноёб ҳодисалар ҳақида сўз юритилади. Муаллифлар жамоаси ўз олдига заминимизда рўй берган икки буюк Уйғониш даври, шунингдек, бугунги кунда учинчи Ренессансга қўйилаётган пойдевор, янги тамаддун асосларини очиб беришга ахд қилган.

Аслида, лойиҳа учта китобдан иборат бўлиб, “Биринчи Ренессанс алломалари” унинг дастлабкисидир. “Иккинчи Ренессанс алломалари”, “Учинчи Ренессанс инсонпарварлик ва илм-маърифат асосига қурилмоқда” ўқув қўлланмалари асарнинг мантиқий давоми бўлиб, уларда Шарқ маданиятининг олтин асри ва бунда муҳим роль ўйнаган соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг ибратли ишлари, жадид боболаримизнинг бой мероси ва янги Ўзбекистон бош меъмори томонидан олиб борилаётган шиддатли ислоҳотлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Тарихий маълумотлар жаҳондаги энг қадимий илмий масканлар ҳам айнан она диёримизда пайдо бўлганини тасдиқламоқда. Бу ҳақда сўз юритилганда, Бухорода 300 дан ортиқ, Самарқандда эса 120 га яқин, Хивада 64 та ўз даврининг университетлари ҳисобланган мадрасалар фаолият кўрсатганини келтириш кифоя. Биргина Мирзо Улуғбек томонидан ташкил қилинган мадраса бутун дунёдан келган илму толиб ва олимларни бир жойга йиғиб, ўз даврининг жаҳоншумул янгиликларини яратишда бамисоли академия вазифасини ўтаган. Қувонарлиси шундаки, рўйи замин сайқали ҳисобланган шаҳардаги Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ушбу илмий даргоҳнинг ворисИ ҳисобланади.

Қайси даврда бўлмасин, юртимиздаги илм-фан даргоҳларида етти иқлимдан келган толибларга барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Улар ётоқ жой билан таъминланиб, ҳатто кундалик харажатлари қоплаб берилганки, пировардида дунё илм-фани ривожида янги даврни бошлаб берган буюк олимлар етишиб чиққан.

“Биринчи Ренессанс алломалари” рисоласи заминимиздаги илк тамаддун бунёдкорларининг илмий фаолияти, улар қолдирган бой мерос ва унинг бугунги тараққиётдаги ҳиссасига бағишланади.

Маълумки, IX — XI асрларда юртимизда цивилизациянинг янги даври бошланиб, давлат юритишдаги ва сиёсатдаги янгиликлар илм-фан кишиларини эзгу ғоялар теварагида бирлаштирди. Натижада математика, астрономия, кимё, тиббиёт, ҳуқуқ, геодезия сингари фанлар ривожланиб, биринчи Ренессансга асос бўлди. Бунда ўз бағрига даҳо мутафаккирларни тўплаган олий даргоҳ — Хоразм Маъмун академияси муҳим роль ўйнаган.

Дунё олимларининг эътироф этишича, “Дорул ҳикма” номини олган мазкур илмий муассаса нафақат ўз минтақаси, балки бутун дунё учун акселератор вазифасини ўтаган. Ушбу даргоҳда Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Мансур ибн Ироқ, Абу Саҳл Масиҳий, Абул Ҳайр ибн Ҳаммор, Абу Мансур ас-Саолобий, Абу Али ибн Мисковайҳ, Абдулҳаким Муҳаммад ибн Абдулмалик ас-Солиҳ, Ал-Хорожий, Ал-Ҳамдамкий, Абу Абдуллоҳ ал-Биян ал-Найсабурий, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Суҳайлий ал-Хоразмий, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саҳрий, Маҳмуд Ҳамид ибн Хидр ал-Хўжандий каби кўплаб фан намояндалари илмий тадқиқотлар олиб боришгани фикримиз тасдиғидир.

Хоразм Маъмун академияси олимлари Юнонистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон илм-фан ютуқларини ижодий, танқидий ўрганиб, уни янада юксак босқичга кўтарган. Уларнинг илмий фаолияти, асарлари туфайли қадимги бадиий санъат, халқ оғзаки ижоди, адабиёт, тарих, тиббиёт, геодезия, минералогия, география, этнография, астрономия, математика, геометрия, суғориш маданияти ютуқлари жаҳон тамаддуни хазинасига кирган ва бутун инсоният манфаатларига хизмат қила бошлаган.

Масалан, қомусий олим Абу Райҳон Беруний асарлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жумладан, алломанинг “Осори ал-боқия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) асари жаҳон тарихини ўрганишда ноёб манба ҳисобланса, “Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир” (“Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами”) асари нодир тошлар, камёб металлар, минераллар ва уларнинг физик (қаттиқлиги, солиштирма оғирлиги, ранги, қирраларининг тузилиши ва бошқалар), химиявий (таркибида қандай моддалар борлиги, сув ва оловга чидамлилиги) хусусиятларини тадқиқ этишда ниҳоятда муҳим қўлланмадир.




> ***Жонажон Ўзбекистонимизда ислоҳотлар шиддатли тус олгани, жамиятда кузатилаётган янгиланишлар, илм-фанга чанқоқ ёшларимизнинг халқаро даражада қўлга киритаётган ютуқлари юртимизда яна бир уйғониш руҳи кеза бошлаганидан дарак бераётир. Шундай экан, учинчи Ренессанс узоқ истиқболда эмас, аксинча, бизнинг замонамизда рўй беришидан умидвормиз. Давлатимиз раҳбари айтганидек, “Биз юртимизда Учинчи Ренессансни барпо этиш масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз. Мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз”.***

Китобда келтирилганидек, Беруний ўз кашфиётлари билан ривожига ҳисса қўшмаган фан соҳаси бўлмаса керак. У биринчи бўлиб, Ер шари глобусини ясаган. Бу ихтиродан барча географлар, ҳар бир зиёли бугунги кунда ҳам баҳраманд бўлиб келмоқда. Олимнинг астрономия равнақига қўшган ҳиссаси ҳам беқиёс. У гарчи оламнинг тузилишига Птолемейнинг геоцентрик (оламнинг марказида Ер шари туриши ҳақида) қарашларидан туриб ёндашса-да, бу масалага оригинал тарзда, яъни Ер шарини ҳаракатланувчи тизим, деб билади. Бундай қараш ўша даврларда Ерни ҳаракатсиз деб ҳисобловчи ҳукмрон назарияларга зид келувчи илмий жасорат эди.

Хоразм Маъмун академиясининг яна бир атоқли вакили Абу Али ибн Сино бўлиб, у дунё тиб илмининг асосчиси дея тан олинади. Қомусий олим деярли барча фан соҳалари билан шуғулланган. У қолдирган бебаҳо мерос бугунги ҳаётимизда ҳам ниҳоятда асқатмоқда.

Ибн Синонинг 5 китобдан иборат “Тиб қонунлари” асари тиббиётнинг умумий назарий ва амалий масалаларига бағишланган. Мазкур ноёб асарда тиббиётнинг назарий асослари, унинг предмети ва вазифалари, касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, белгилари, профилактикаси, доривор гиёҳларнинг номи, хусусиятлари, тиббий малҳамларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш усуллари баён этилган.

Олимнинг таъбирича, тиббиётнинг асосий вазифаси, “инсон соғлиғини сақлаш, агар касаллик пайдо бўлган бўлса, бу касалликни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш ва уларни йўқотиш орқали соғлиқни тиклашдан иборат”. Аллома тиб илмида назарий билимлар ва амалиёт ўзаро боғлиқ бўлиши, бир-бирига асосланмоғи зарурлигини, акс ҳолда у ривож топмаслигини қайд этади.

Абу Али ибн Синонинг фикрича, “Тиб илми, аввало, икки қисмга — назарий ва амалий қисмларга бўлинади... Тибнинг амалий қисми иккига бўлинади. Биринчи қисми соғлом танларнинг тадбирини билиш, бу соғлиқни сақлашга тааллуқли бўлгани учун соғлиқни сақлаш илми деб аталади. Иккинчи қисми — касал таннинг тадбирини билиш бўлиб, соғлом ҳолатга қайтариш йўлларини кўрсатади, бу даволаш илми деб аталади”. Ибн Сино касалликни ўрганишда объектив шароитни ҳар томонлама билишга катта аҳамият берди, муҳитдаги турли табиий нарсалар, сув, ҳаво орқали касаллик тарқатувчи кўзга кўринмайдиган “майда ҳайвонотлар” ҳақидаги фикрни олға сурди.

“Тиб қонунлари” 800 йил давомида ҳакимлар учун асосий қўлланма бўлиб келди. Ўрта асрларда китобдан Шарқдагина эмас, балки Ғарб мамлакатларининг университетларида ҳам талабалар учун тиббиётдан ягона дарслик сифатида фойдаланилди.

Истиқлол йилларида Хоразм Маъмун академиясининг қайта туғилиши дунё олимлари, илм-фан жамоатчилиги томонидан олқишланди. ЮНЕСКОнинг 2004 йилда ушбу табаррук илм даргоҳининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори эса Ўзбекистон илм-маърифат ўчоғи, зиё маркази бўлганининг жаҳоний эътирофи бўлди, албатта.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил январь ойида Хоразм вилоятига, хусусан, Хоразм Маъмун академиясига ташрифи давомида берган топшириқ ва кўрсатмалари ушбу илм-фан даргоҳи фаолиятида туб бурилиш ясади. Яъни муассаса Давлат бюджетидан молиялаштириш тизимига ўтказилиб, моддий-техника базаси мустаҳкамланди, олимлар учун барча шарт-шароит муҳайё қилинди. Бу эса ота-боболаримиз қолдирган бебаҳо илмий меросни асраб-авайлаш баробарида, илмий янгилик ва кашфиётлар қилиш, инновациялар яратиш, ёшларни илмга жалб этиб, иқтидорли, дунё тан оладиган янги авлод олимлари етиштиришга катта рағбат бўлди.

Халқимиз тарихида рўй берган икки Уйғониш даврининг сири нимада эди? Ўша даврдаги залварли ютуқлар замирида нималар ётибди? Қайси омиллар янги Ренессанс вужудга келишини таъминлаган?

Рисола билан танишган ўқувчи ушбу саволларга муфассал жавоб топа олади. Шубҳасиз, уйғониш даврларининг барчасига хос бўлган хусусиятлардан бири антропоцентризмдир. Бошқача айтганда, Ренессанс инсон эҳтиёжлари, эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлашдан бошланади. Шу маънода, бугун буюк ўзгаришларга гувоҳ бўлган қутлуғ заминимизда навбатдаги эврилишларга тамал тоши қўйиляпти, инсон қадри улуғланяпти, ёшларга кенг имкониятлар эшиги очиб берияпти. Зотан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган шиддатли ислоҳотлар инсон қадрини кўтариш, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтиришдек эзгу мақсадга йўғрилган. Айни чоғда давлат раҳбарининг сиёсий иродаси туфайли эркин ва демократик сиёсий муҳит, адолатли жамият, илм-фан ривожи учун қулай шарт-шароит яратиб берилмоқда. Бу Юртбошимизнинг “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улуғбеклар, Навоий ва бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак”, деган даъватига ҳамоҳанг олиб борилаётган тизимли янгиланишларнинг амалдаги инъикосидир.

Ўтмишга боқиб, холис таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакат бошқарувида олиб борилган одил сиёсат, давлатнинг илм-маърифатга кучли эътибори, таълим-тарбия устувор этиб қўйилгани ҳар иккала Уйғониш даврида ҳам энг муҳим жиҳат бўлган. Қолаверса, одамларда илм-фанга ташналик билан бирга, борлиқ сирларини очиш ва янги илм яратишга иштиёқ кучли бўлган. Натижада олимларимиз ўзлари сезмаган ҳолда, Ренессанс даврининг бунёдкорларига айланган.

Шу маънода, кейинги йилларда янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган тинчлик сиёсатини, барча соҳада бошланган инқилобий ислоҳотларни, халқаро миқёсдаги дўсту биродарлик муносабатларини, айниқса, илм-фан, таълим соҳасидаги бемисл инновацион янгиланишлар, олим ва зиёлиларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар, ёшлар таълим-тарбияси йўлида бажарилаётган кўламдор ишларни маърифатпарвар Хоразмшоҳ Али ибн Маъмуннинг, адолатпарвар соҳибқирон Амир Темурнинг тутумларига қиёслаш мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатида асосий сиёсий ислоҳотларнинг бош мақсади Ўзбекистонни ривожланган, ҳар томонлама илғор мамлакатга айлантириш бўлиб, жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновациялар бунга эришиш йўли сифатида танланган. Жонажон Ўзбекистонимизда ислоҳотлар шиддатли тус олгани, жамиятда кузатилаётган янгиланишлар, илм-фанга чанқоқ ёшларимизнинг халқаро даражада қўлга киритаётган ютуқлари юртимизда яна бир уйғониш руҳи кеза бошлаганидан дарак бераётир.

Шундай экан, учинчи Ренессанс узоқ истиқболда эмас, аксинча, бизнинг замонамизда рўй беришидан умидвормиз. Давлатимиз раҳбари айтганидек, “Биз юртимизда Учинчи Ренессансни барпо этиш масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз. Мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз”.

Мени хурсанд этгани, рисолалар туркумида давлатимиз раҳбарининг ушбу ғояси асосида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, буюк алломаларнинг издошлари эришаётган ютуқлар ҳам содда ва халқона тарзда очиб берилишидир.

Энг асосийси, мазкур рисола қаҳрамонлари бугун эътироф, эҳтиром қилиб айтилаётганидек “Биринчи Ренессанс алломалари”дир. Уларни шу боис ҳам мажозий маънода “асрларга ёқилган маёқ”, “ақл машъали”, “тафаккурнинг қудратли илдизлари” дея айтиш мумкин. Зеро, уларнинг яратган асарлари, ихтиролари “ақл машъали” сифатида ҳануз илм оламига ёруғлик бахш қилиб турибди ва туражак. Уларнинг интеллекти, ғоятда юқори салоҳияти натижасида юзага келган асарлари эса ҳар бир давр учун тафаккурнинг қудратли илдизларидир. Ана шу илдизлар ўз давридаёқ фаннинг қудратли, нуфузли чинорлари даражасига етишганди. Орадан ўтган асрлар давомида бу чинорлар мустаҳкам илдизга эга муқаддас заминда бунёд бўлгани учун янада қудрат, янада улуғворлик касб этди.

Табиийки, тафаккурнинг қудратли илдизларидан, ана шу улуғвор фан чинорларидан баҳрамандлик, уларга мансублик ҳисси, ворисийлик фахру ифтихори, бугунги учинчи Ренессанс пойдевори қўйилаётган давр илму фани учун, умуман олганда, жамиятимиз учун шиддаткор куч-қувват бўлиб хизмат қилади. Бу сиймоларнинг ҳаёти, илмий фаолияти эса ҳар бир давр фан оламига қадам қўяётган ёшлар учун ибрат тимсолидир.

Энг асосийси, улар билан фақат фахрланиб қолиш эмас, балки уларга муносиб издош, ворис бўлишда. Уларнинг асарларини санаб, шунчаки эҳтиром кўрсатишдамас, асарларини, ихтироларининг моҳиятини кунт билан ўрганишда, қайта нашр этишда, улар ҳақида ҳужжатли, бадиий фильмлар ишлаб, тарғиб қилишдадир. Ана шунда уларнинг фақат номигина эмас, асарлари, ибратли ҳаёти кенг оммага етиб боради ва кенг оммадаям илмга, фанга ихлос кучаяди. Бу жараён эса жамиятнинг, давлатнинг интеллектуаллигини оширади. Интеллектуал жамият, давлат эса учинчи Ренессанс пойдеворини янада мустаҳкам, аждодларга хос тарзда қўя олади. Бу борада эса биринчи Ренессанс сиймолари ҳақидаги илмий-оммабоп тўпламнинг аҳамияти катта ва боя таъкидлаган вазифалар учун асос бўлиб хизмат қилади. Шу жиҳатдан ушбу тўпламнинг аҳамияти беқиёсдир.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза, ушбу тўплам муаллифларининг бугунги давримиз илму фан намояндалари эканлигидир. Табиийки, уларнинг “Биринчи Ренессанс алломалари” билан фахрланиб қолмасдан, ўзлари ҳам фан истиқболига катта ҳисса қўшаётгани асарнинг таъсирчанлигини, ўқишлилигини, оммабоплигини янада оширади.

Мухтасар айтганда, “Биринчи Ренессанс алломалари” номли рисола она Ватанимиз тарихининг ёрқин лавҳаларини ифода этувчи, буюк алломаларимиз ҳаётининг сўнмас қирраларини очиб берувчи асар ҳисобланиб, барча ўқувчиларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

**Ўткир РАҲМАТ.**

## КАСБГА САДОҚАТ САОДАТИ

*Кейинги йилларда Президентимиз томонидан илгари сурилган тиббий хизматни янада юксалтиришга дахлдор хайрли ташаббуслар соғлиқни сақлаш тизимига янги нафас бахш этди. Давлатимиз раҳбари тизимда йўл қўйилаётган камчиликлар, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган долзарб масалалар, тиббиёт муассасалари фаолиятига оид тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш вазифасини қатъий қўйди. Ўз навбатида, ўз касбини чин дилдан севган, билимли, жонкуяр, фидойи тиббиёт ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш механизми ишга туширилди.*

### Ибрат

Ана шундай эъзозга сазовор бўлганлар орасида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, Республика офтальмологлар ассоциацияси раиси, кўп тармоқли “ДМС — Доктор Мақсудова” инновацион клиникаси директори Зулфия Мақсудова ҳам бор. У ўзининг табаррук ёшида элимиз саломатлиги йўлида хизмат қилаётир.

Зулфия Мақсудова профессионал кўникмалар ва тажрибага эга, юқори малакали мутахассис. Ўзининг билими, машаққатли ва фидокорона меҳнати туфайли қисқа вақт ичида кўз жарроҳлиги каби мураккаб соҳада моҳир шифокорга айланди. Бугунги кунда шарафли касб эгаси раҳбарлигида фаолият юритаётган клиника нафақат халқимизга, балки қўшни республикалар аҳолисига ҳам офтальможарроҳлик йўналишида юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Зулфия Мақсудова “Кўрув нерви қисман атрофиясида комплекс даволаш самарадорлигини клиник ва функционал баҳолаш” мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Бугунги кунда 100 дан ортиқ халқаро нашрларда ўз илмий мақолалари билан иштирок этиб келмоқда. Олимнинг илм-фан йўлидаги хизматлари, заҳматли меҳнатлари муносиб баҳоланиб, у 2015 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” фахрий унвони, 2019 йилда “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда тиббиёт ходимларининг самарали фаолият юритиши учун муносиб шароит яратилаётир, уларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўланмоқда. Шифокорлар эса ушбу эътиборга муносиб бўлиб, давлатимиз томонидан яратиб берилаётган замонавий тиббий хизматдан аҳолининг барча қатламини баҳраманд этиш ва халқимизни рози қилишда фидойилик кўрсатяпти. Зулфия Мақсудовадек жонкуяр саломатлик посбонларининг ҳаёти ва фаолияти эса соҳанинг ёш вакилларига ибрат намунаси бўлмоқда.

**Муроджон РАҲМАТОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

### Ғамхўрлик

## АСКАРЛАРГА ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАЛАРИ ТОПШИРИЛМОҚДА



*Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб ўз ҳарбий бурчини ўташ давомида “Ватанпарвар” ташкилотининг ҳайдовчилик ўқув курсини муваффақиятли тамомлаган аскарларга ҳайдовчилик гувоҳномалари топширилмоқда.*

Хусусан, Марказий ҳарбий округнинг Навоий гарнизонига қарашли ҳарбий қисмда ўз йигитлик бурчини ўтаётган 62 нафар ёшга ҳайдовчилик гувоҳномаларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳарбий хизматчилар давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, улар учун яратилган имкониятлар, аскарлар маънавиятини юксалтириш, касбга бўлган қизиқишини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритдилар. Ҳарбий хизматни якунлаш арафасида турган ёшларга муваффақиятлар тилаб, ҳаётда ўзининг муносиб ўринларини топишлари учун зарур маслаҳатлар беришди.

Ўз навбатида, сўз олган аскарлар Ватан олдидаги муқаддас бурчини адо этиш билан бирга, уйларига “Ватанпарвар” ташкилоти ўқув курсида эгаллаган касб ва буни расман тасдиқловчи гувоҳнома билан қайтаётганидан мамнуният билдириб, бу мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш масъулиятини юклашини урғуладилар.

Худди шундай тадбир Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округнинг Бухоро гарнизонига қарашли ҳарбий қисмда ҳам бўлиб ўтди. Бу ерда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган 70 нафар ёш “ВС” тоифаси бўйича ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлди. Улар тез орада уйларига қайтиб, ушбу гувоҳномалар ёрдамида бирор фойдали ишнинг бошидан тутишидан қувончи чексиз.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти 2021 йилда Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорлик меморандумларини имзолаган бўлиб, ушбу ҳужжатларга мувофиқ, Қуролли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёшлар “Ватанпарвар” ташкилотининг ўқув курсларида ҳайдовчилик ва яна беш хил техник касбга ихтиёрий равишда ўқитиб келинмоқда.

**«Халқ сўзи».**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 341. 21 296 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.00 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6